



## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

Мажлисида кун тартибидagi масала юзасидан биринчи бўлиб, вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Рамзиддин Икромов ахборот берди. У пойтахтимида ўтказиладиган асосий байрам дастурида иштирок этадиган вилоят бадиий жамоаларининг ишини ташкил этиш, шунингдек, шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган маданий тадбирлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини баён этди. Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг вилоят бўлими ишлари юзасидан Суяр Курбонкулов маълумот берди.

Йиғилишда Наврўз байрами тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Туман ва шаҳарлардаги маданият уйлари, клублар, истирохат боғлари ва байрам сайллари ўтказиладиган майдонларни тайёрлаш, безаш ҳамда бу тадбирларда таниқли маданият, санъат арбоблари, ёзувчи ва шоирларнинг иштирокини таъминлаш, билим юртларида мактаб ўқувчилари, талабалар, ёшлар учун кўп минг йиллик тарихга эга бўлган Наврўз байрамининг моҳияти юзасидан турли учрашувлар ва кечалар ташкил этиш тавсия этилди.

Албатта, бу борада Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ўтказиладиган хайрия ишлари алоҳида ўрин тутиши лозимлиги таъкидланди. Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитаси аъзолари, мутасадди бошқарма ва муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарларига бевосита шаҳар ва туманларда олиб бориладиган ишларга қўмақлаштириш юзасидан аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлисида вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

### Акс-сого

**Яхши тадбир, ибратли ишларни амалга ошириш учун бўладиган иштиёқ, интилиш, ҳавас энг аввало инсоннинг кўнглида вужудга келади. Сўнгра эса, у бевосита моддий бойлик яратадиган кишиларнинг саъй-ҳаракати билан амалиётга кўчади.**

Тошкент туманида бўлиб, бу ерда кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар билан танишар эканмиз, ислохотларни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни юксалтириш билан бирга ободонлаштириш, кўчалар, зорлаштириш ишларига, саранжом-саришталикка катта эътибор бериладиганлигининг гувоҳи бўлдик. Айниқса, Охунбоев номи, Муҳаммадjon Фозилов, Гийёс Умаров номи, Навоий номи хўжаликларда бу борада ибратли ишлар бор. Хусусан, Охунбоев номи ширкат хўжалигида бўлсангиз ўзингизни гўёки кичик шаҳарчадагидек ҳис қиласиз. Замонавий услубда қурилган, ўқувчилар бир сменада машғулотлар ўтказадиган мактаблар, қишлоқ врачлик, соғломлаштириш масканлари ва бошқа маданий-маиший тармоқлар хизматидан аҳоли мамнун бўлмоқда. Биз бундай мамнунликини Муҳаммадjon Фозилов, Навоий, Гийёс Умаров номи ва бошқа қатор хўжаликлар аҳолиси билан учрашиб, суҳбатлашганда ҳам ҳис этдик. Энг муҳими бу хўжаликлар, қатор корхоналар, тадбиркорлар, хусусан «Тўхта-

таъминлаш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш чора-тадбирлари мавзуларида мутахассисларнинг маърузаларини тинглаб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Машғулотлар ўртасидаги танаффуслар чоғида тингловчилар малака ошириш маркази фойесида ташкил этилган

(Давоми. Боши 1-бетда).



СУРАТЛАРДА: машғулот пайтидан лаъҳалар.  
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

## МОСКВА МЕТРОСИДАГИ ПОРТЛАШ

**РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг маълум қилишича, жума кuni эрталаб Москва шаҳри метросининг Замоскво-рецкий йўналиши бўйича қатнаётган поезди «Автозаводская» ва «Павелецкая» бекатлари оралиғида портлаб кетган.**

Хабарда айтилишича, айни пайтда ёнғин ўчирилиб, вагонлар «Автозаводская» бекатига олиб келинган. Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг қутқарувчилари жабрланганларни ташқарига

олиб чиқиш ишларини ниҳоясига етказди. Барча йўловчилар хавфсиз жойга кўчирилган. Мутахассислар поезд террорчилар томонидан портлатилган, деган тахминни айтмоқда.

## САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

Оҳангарон шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар ФХДё бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари ташаббуси билан 20 та маҳаллада ўсмирлар билан учрашувлар ташкил этилди.

Уларда ёшларнинг эрта турмуш қуришлари, ёш оилалардаги келишмовчиликлар, шунингдек, келинлар ва ўсмир қизлардаги турли хил касалликлар, улардан туғилиши мумкин бўлган носоғлом авлоднинг олдини олиш масалалари муҳокама этилди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

## РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

ниёз ота», «Абдусаттор» фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришни қойилмақом қилиш билан бирга халқнинг дилини равшан этиб, уларни улуг ва савобли ишларга ундайдиган ободончилик ишларида қўмақлашмоқдалар. Шу туфайли ҳам туманда газлаштириш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш сингари муҳим ишларни амалга оширишда катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Кўксарой қишлоғидаги «Шамсиобод», Қизғалдоқ қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги Навоий номи, Ёштқўприк маҳаллалари оқсоқоллари ўз олдларига қўйилган вазифаларни бажаришда ҳормай-толмай меҳнат қилмоқ-

далар. Лекин ободонлаштириш ишлари ҳамма ерда ҳам бир текис кетаяпти, деб бўлмайд. Айниқса, Дўстлик маҳалласи ҳудудида, Заҳарик бўйидаги айрим маҳалла ички кўчаларини кўздан кечирсангиз пастқам уйлар, эътибордан четда қолиб келаётган турар-жойлар кўнглингизни хира қилади.

Яқинда бўлиб ўтган туман фаолларининг йиғилишида Президентимизнинг халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинар экан, биринчи йўл қўйиладиган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга асосий эътибор қаратилди. Йиғилишда қатнашган маҳалла оқсоқоллари, фуқаролар йиғинлари раислари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари бу соҳада қилинажак ишлар юзасидан ўз режалари, таклиф ва тавсиялари билан ўртоқлашдилар.

Ободонлаштириш — бу ҳар кунни, ҳар бир кимса шуғулланганидан ишдир. Туманда бу асосий шиор сифатида ўртага ташланди. Шу билан бирга 2004 йилнинг февраль-март ойлари ободонлаштириш икки ойлиги деб, эълон қилинди. Ойликнинг аниқ режалари ишлаб чиқилиб, муҳокамадан ўтказилди. Масъуллар белгиланди.

Носир РИХСИЕВ.

вожлантириш муаммолари, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг аҳамияти ва уни янада ривожлантириш йўллари, миллий валюта конвертацияси каби долзарб мавзулар уларни жуда қизиқтиргани боис машғулотлар баҳс-мунозаралар

тарзида ўтиб, қатнашчилар бу соҳадаги ўз билимларини анча чуқурлаштириб олдилар.

Шунингдек, зарар кўриб ишлаётган, истиқболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантиришнинг ташкилий ҳуқуқий ва иқтисодий асослари, қишлоқ хўжалик корхоналарини молиялаштириш ва фермер хўжаликларининг харажатларини имтиёзли кредитлаш муаммоларига бағишланган маърузалар ҳам тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Машғулотларнинг учинчи кунни тушдан сўнг тингловчилар вилоятдаги намунали мактаб, боғча, касб-хунар коллежи ҳамда қишлоқ врачлик пункти ва поликлиникаларда бўлишиб, уларнинг фаолияти билан танишдилар.

Мунозара-машғулотлар белгиланган дастур бўйича давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

лум қилинишича, портлашни террорчи-камикадзе амалга оширган.

Айни пайтда Россия махсус хизмати террорчининг ёрдамчиларини қидирмоқда. Бундай йирик кўпорувчиликни ёлғиз амалга ошириш мумкин эмас. Унга тўрт-беш киши ёрдам берган ва улар портлаш содир этилган жойдан унчалик узоққа кетмаган бўлиши керак, деб тахмин қилинмоқда.

ЎЗА.

### Мавзуга қаюмиб

## ЗАНГ БОСГАН ҚУЛФНИ ҚАЧОН ОЧАСИЗ?

**Ангренадаги бу муаммо газета саҳифаларини кўравериб, барчага ёд бўлиб кетди. Аммо, уни бартараф этиш, аҳолининг оғирини енгил қилиш борасида на мутасаддилар, на шаҳар ҳокимлиги бош қотиришни истамайди.**

Гап шундаки, 1976 йилда Облик қишлоғида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уйи ташкил этилган эди. У ерда сартарошхона, бичиш-тикиш, радиотехника, пойабзал таъмирлаш устаконалари фаолият кўрсатиб, бу ерда обликликлардан ташқари Гулбоғ, Фафур Фулом номи маҳаллалар аҳолиси ҳам ўз эҳтиёжларини қондирар эдилар.

Бироқ, орадан вақт ўтиб, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бўлими раҳбарлари тез-тез ўзгаравергач, бу ердаги юмушлар аста-секин, ўлда-жўлда қола бошлади.

Вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан 1993 йил 22 сентябрдаги 1131-сонли буйруққа асосан тадбиркор Д. Душаевага бино хусусийлаштириб берилди. Шундан сўнг, маиший хизмат уйи батамом ёпилди, эшикларига «катта» қулф осилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқлардаги маиший хизмат кўрсатиш цехлари фаолиятини янада яхшилаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганда энди бу маскан қайта фаолият бошласа керак, деган фикрда эдик. Бироқ, ана шундан кейин ҳам бу муаммо бартараф этилмади.

Шундан буён аҳоли марказига бориб, ўз эҳтиёжларини қон-

диришга мажбур бўлмоқдалар. Шаҳар мутасаддилари эса, муаммони ҳал этиш уёқда турсин, бу ҳақда ўйлашни ҳам иштамаяпти. Бино соҳиби эса, маиший хизмат уйининг аввалги мавқеини тиклаш ўрнига, бирон марта келиб, бу ердан хабар олишни ҳам ўзига раво кўрмайди.

Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари XX сессиясида Президентимиз қўйидаги фикрни айтган эдилар: «Оддий одам учун оддий шароитлар керак».

Мен бу сўзларнинг маъноси қанчалик ҳаққоний ва кенг эканлигини биргина Обликдаги аҳоли учун ноқулайлик туғдираётган камчиликда кўриб турибман.

Дарҳақиқат, аҳоли учун оддий, аммо унинг ҳаётида муҳим ўрин тутган имкониятлар мавжуд бўлгандагина, ҳар бир инсон ўз юмуши билан хотиржам банд бўлади.

Облик, Фафур Фулом, Гулбоғ маҳаллалари аҳолиси ниҳоят бундай ҳолат энди давом этмаслигига, бу масалага шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди идоралар раҳбарлари эътибор қаратиб, мазкур маиший хизмат уйининг занглаган қулфлари яқин кунларда очилиб, яна халққа хизмат қила бошлашига умид билдиради.

Теша ШЕРАЛИЕВ,  
уруш ва меҳнат фахрийси.

Бу табиий. Зеро, Юртбошимизнинг сессиядаги кенг қамровли, чуқур ва теран мазмунли нутқи бутун вилоят меҳнаткашлари руҳида ана шундай кайфият уйғотди.

Ҳақиқатан ҳам Тошкент вилоятининг sanoat, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият, умуман, беистисно барча соҳалардаги салоҳият ва имкониятлари етарли. Вилоятнинг узок

нимсиз изланиб, елиб-югуриб, куюниб ишлайдиган раҳбарлар ҳар доим ҳам топилади. Уларнинг фалсафалари жуда оддий, аниқ. Президентимиз сессияда таъкидлаганидек, эндиликда одамларни баландпарвоз сўзлар, сохта ва қуруқ ваъдалар билан ишга даъват этиш беҳуда уринишдир. Ўз меҳнати билан яшайдиган, фақат шу орқали рўзгорини тебратадиган, оиласини бо-

вул ҳар ойда 30 минг сўм маош олади. Бу ҳаммаси эмас, моддий рағбат, мукофот дегандек, қўшимча даромадлар ҳам бор. Ўртача олганда, механизаторларнинг бир йиллик даромади 1,5 миллион сўмга боради. Кўпроқ ер олиб ишлаш имкониятига эга бўлган айрим пудратчи оилаларнинг даромади эса 4-5 миллион сўмга етади.

Раҳбарнинг «Авалло деҳ-

лоқларимиздаги мактабларни давр талаблари даражасида сақлаш мақсадида баҳолиқудрат қилаётган ишларимизга айтилган раҳмат сўзлари бўлиб туюлди менга.

Тўғри гап. Раис ўзига шундай таскин беришга ҳақли. Хўжалик ҳудудидаги тўртта умумтаълим мактаби ҳар жиҳатдан намунали. Улар вақтида таъмирланиб, керакли асбоб-ускуналар, ўқув-

алоқаси йўқ. Ҳар йили ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам, бинобарин, турмуш ҳам бирдек барқарор. Фикримизнинг исботи учун ўтган йилги натижаларни таҳлил қилиб кўрайлик.

Авалло шунини таъкидлаш керакки, хўжаликнинг экин майдонлари тумандаги энг шўрхок нотекис ерлар ҳисобланади. Шунга қарамай, пахта ва ғалладан ҳар йилгидек, шартнома режасида белгиланганидан анча ошириб ҳосил кўтаришга эришилди. 450 гектар ердаги бугдой режадаги 40 центнер ўрнига 50 центнердан ҳосил берди. Давлат буюртмаси бажарилгач, хўжалик омборига қарийб 1000 тонна ғалла тўкилди. Бу, аввало, пудратчи, механизатор, қолаверса, бошқа барча хизматчиларнинг ҳақи. Бундан ташқари ғаллачиликдан 48 миллион сўм соф фойда олинди.

Вилоятда саноқли хўжаликларгина пахта тайёрлаш режасини аранг уддалаган 2003 йилда «Ўзбекистон» ҳар доимгидек, ҳосилни эрта саранжомлаб олиб, давлатга 2280 тонна ўрнига 2396 тонна ҳосил топширди, 102 миллион сўм соф фойда кўрди.

Дарвоқе, аксарият хўжаликларда чорвачилик аввалига хусусийлаштирилиб, сўнгга парокандаликка учраган бугунги кунда «Ўзбекистон» йилига сутдан 20-25 миллион, гўштдан 35-40 миллион сўм даромад кўрапти. Умуман, ҳамма соҳаларни қўшиб ҳисоблаганда, хўжалик 2003 йили 162 миллион сўм соф фойда билан яқунлади.

— Бу маблагни раисдан тортиб, оддий қоровулгача, ҳамма ишлаб топган, — дейди Ниёзов. — Уни ўзларининг, фарзандларининг кори-хайрларига ишлатамиз.

Ҳақиқатан ҳам шундай қилинапти. Фойданинг асосий қисми дивиденд сифатида ҳар бир аъзонинг пай улушига қараб, тақсимлаб берилади. Алоҳида жонбозлик кўрсатиб ишлаган, айниқса, оғир соҳаларда меҳнат қиладиган кишилар ҳар йили дам олиш уйи ва санаторийларда бепул дам олиб, даволаниб, саломатликларини тиклайдилар.

— Бизда биттагина муаммо бор, — дейди раис. — Шундай шароит яратиб қўйилган хўжаликда янги одамларни ишга олиш қийин бўларкан. Ҳамма ўз вазифасини билиб бажаради. Бирон кишининг ишидан айб топиб, бўша-тиб юборишнинг иложи бўлмас экан.

Раҳбарнинг бу сўзлари Президентнинг сессияда айтган куйидаги гапларини эслати: «Яхши мутахассис бўлиш мумкин — лекин, яхши раҳбар бўлиш қийин». Эргаш Ниёзов эса, яхши раҳбар бўла олади. Бирини ишдан бўшади, ўрнига бошқасини қабул қилиш муаммоси, фақат яхши раҳбарларга тегишли муаммо. Бундай муаммонинг борлиги яхши, аслида.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.

# ЯХШИ РАҲБАР БЎЛИШ САНЪАТИ

## Яратганнинг ўзи юқтирган иноятларидан бўлиб, у йиллар давомида шаклланади

Йиллар давомида республика халқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий тармоқларида етакчилик қилиб келганлиги ҳаммага маълум. Хусусан, вилоят меҳнаткашларининг биргина пахтачилик соҳасида эришган ютуқлари, яъни бутун республикага намуна бўлган «Тошкент технологияси»нинг шуҳрати хали унутилгани йўқ.

Лекин, афсуски, кейинги йилларда бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам депсиниш, ҳатто, айрим тармоқларда аввалги мавқеларни бой бериб, орқага кетиш юз берганлиги ҳам ҳақиқатдир. Шундай бўлсада, Президентимиз вилоятда юз берган кейинги йиллардаги бундай нохуш аҳволни ортқича танқид-таъналарсиз, холис, оқилона ва одилонга таҳлил қилиб берди. Шу билан бирга йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, вилоятнинг аввалги шуҳратини тиклаш юзасидан йўл-йўриқлар кўрсатиб, маслаҳат ва истакларини баён этди. Бу бежиз эмас. Чунки, юзага келган вазиятнинг асосий сабабларидан бири раҳбарларда ноўрин хотиржамликка берилиш, етакчилик масъулияти ва мажбуриятини унутиш, ортқича ҳузур-ҳаловатга ружу қўйиш кайфиятининг пайдо бўлганлигидир. Бирники мингга, мингники туманга, деганларидек, лоқайдликка берилган мана шундай раҳбарлар бош бўлган жамоаларда меҳнат интизоми издан чиқиб, ишдан путур кетиб, пировардида бундай ҳолат вилоятни ҳам орқага тортиди.

Аммо, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзидан кетмай, жамоанинг тақдирини ўйлайдиган, уларнинг турмуши учун қайғурадиган, шу эзгу мақсад йўлида ти-

қадиган одамларга кўп нарсаси керак эмас. Уларга ана шу меҳнатлари натижасини рўёбга чиқаришлари учун шароит яратиб берилса, бас. Меҳнатига яраша ҳақини вақтида ва тўлиқ олган, раҳбарлардан рози бўлган киши икки-уч ҳисса куч-ғайрат билан ишлайди. Раҳбарлардан бўладиган бирдан-бир талаб уларнинг бошларини қовуштириш, кўнглини олиб, руҳини кўтариш ва жон куйдириб ишлашда ўзи шахсан намуна бўлишидир. Бундай салоҳиятли раҳбарлар, қобилиятли мутахассислар, фидойи меҳнатчилар вилоятда оз эмас.

Вилоятимизда шундай хўжаликлар борки, «табиат инжиқликлари», «об-ҳаво қийинчиликлари»га қарамай, ўз ишларини билиб бажариб, ҳар йили бирдек меҳнат қилиб, шартнома режаларини ошириб бажардилар, энг муҳими яхши даромад олиб, кам-кўстсиз яшайдилар. Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги нафақат вилоят, балки республикадаги ана шундай ўзига тўқ хўжаликлардан биридир.

Бу хўжалик ҳақида гап борганда, аввало, бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Хўжаликда ўн тўрт йилдан бери раис ўзгаргани йўқ. Тўғри, бунгача, раҳбарларнинг бири келиб, бири кетиб турган. Ҳатто, бир йилда икки марталаб раис алмашган вақтлар ҳам бўлган. Бундан ўн тўрт йил бурун Эргаш Ниёзов раис этиб сайланди-ю, хўжалик аъзолари раҳбарга ёлчиди. Очиғини айтганда, аъзоларнинг рўзғорини ночор бўлиб, косаси оқармай, бири икки бўлмай юрган ўша кунлар ҳозир унут бўлиб кетган. Ҳозир ҳар бир меҳнатчию хизматчи ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, иш ўрнини қўлдан чиқармасликни ўйлайди. Чунки, иш ҳақи тайин. Ҳар ойда қанда қилмай, маош берилади. Маса-лан, фермадаги оддий қоро-

қон бойисин» дегани — узокни кўра билгани. Президент айтганидек, «Ҳар бир раҳбар шунинг учун ҳам раҳбар қилиб қўйилганки, у атрофидагиларга нисбатан кўпроқ, чуқурроқ билиш ва узокрокни кўра олиш қобилиятига эга бўлиши керак». Эргаш Ниёзов агар деҳқон бойиса, хўжаликни, қолаверса, бутун мамлакатни бойишини кўра билди. Зеро, шахс ва жамиятни бир-биридан айириб, ҳоли тасаввур қилиб бўлмайди. Иқтисодий бақувват хўжалик ҳам ўз навбатида аъзоларини ҳар доим моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туриш имкониятига эга. «Ўзбекистон»да айна шундай анъана қарор топган. Хўжалик аъзолари ҳамма тўловлардан озод. Уй-жой ва томорқа солиғи, электр қуввати, табиий газ, ичимлик сув ҳақларини хўжаликнинг ўзи тўлаб боради. Тўй-ҳашам ва маракалар ҳам хўжаликнинг хайриясисиз ўтмайди. Аъзолар ҳар йили юзлаб нусхада газета ва журналларга обуна бўлишади. Бу ҳам хўжалик ҳисобидан.

Сессияда Президентимиз ижтимоий-маданий масалалар, хусусан, вилоят ҳудудидаги мактаб ва тиббиёт муассасаларининг ночор аҳволи ҳақида куюниб гапирди.

— Юртбошимизнинг «Қишлоқ мактабларида ўқийдиган фарзандларимизнинг кўзига қаранг. Уларнинг кўзида битта савол — менинг айбим нима, нима учун мен шундай ночор шароитда ўқишим керак, деган маънони кўриш мумкин» деган сўзларини тинглаганимда, юрагим эзилиб кетди, — дейди Эргаш Ниёзов. — У киши бу сўзларни қандайдир ички бир ҳиссиёт билан шундай таъсирли қилиб айтдиларки, очиғи, кўзимга ёш келди. Ва аксинча, «Маънавий соғлом болалар асосан қишлоқларда ўсиб, воғга етаяпти» деган фикрни айтганларида, кўнглим кўтарилди. Бу сўзлар биз ҳам қиш-

куроллари, спорт анжомлари билан таъминлаб борилади. Узокдан қатнаб дарс берадиган ўқитувчиларга хўжалик ҳам қўшимча маош ажратган. Аълочи ўқувчилар мунтазам моддий рағбатлантириб борилади, уларга катта стипендия ажратилган.

Хўжалик ўз шифохонасига эга. У замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Ўнлаб малакали шифокорлар хизматда. «Дамас» тез ёрдам машинаси кечаю кундуз навбатчилик қилади. Моддий имкониятлари чекланган беморлар ҳам муаммолар қаршисида иложсиз қолмайдилар. Хўжалик уларнинг соғлиги учун қайғурди.

Мана энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Оддий бир хўжалик ижтимоий масалаларга устуворлик бериб, муаммоларга ўрин қолдирмай, ўз меҳнатчиларини ўзи ҳар томонлама ҳимоя қилиб, юксак кадрлаётган экан, нега энди туман даражасида бунга эришиш мумкин эмас?

«Бир қарашда, бу арзимаган масала бўлиб туюлиши мумкин, — деди Президент сессиядаги нутқида. — Лекин тўсатдан юраги ёмон бўлиб қолган ёки ўлим тўшагида ётган одамнинг ўрнига ўзимизни қўйиб кўрсак, бунинг нақадар муҳим эканлигини тушунамиз». Ҳа, Э. Ниёзов шундай қилади. Жамоанинг ҳар бир аъзоси ўрнида ўзини кўради. Бу ерда бир киши ҳамма учун, ҳамма эса бир киши учун ишлайди. Шунинг учун ҳамма тўқ, турмуш фаровон, ҳаёт орзу ҳавасли. Умридан мамнун яшайдиган бундай кишиларнинг доимо кўнгли хотиржам, руҳи тетик, ишида сифат ва унум, даромадида барака бўлади.

Хўжаликда режа нима бўларкин, даромаднинг баракаси учмасикин, деган ташвишлар барҳам топиб кетганига ўн йилдан ошди. Юқорида айтганимиздек, «табиат инжиқлиги», «об-ҳаво шароити»нинг буларга

(Давоми. Боши 1-бетда).

9 февраль - Алишер Навоий туғилган кун

Алишер Навоий шеърятини ишқ ва дард шеърятидир. Ишқ талқинида ёр ва маъшуқа муносабатларида раъно гули тимсоли истеъмоладир. Дард тушунчасига келсак, бунда ҳам раъно гули фаол. Негаки, дардчил юз — сарғиш, сўлғин бўладики, ошиқ юзи раъно гулининг сиртига жуда-жуда ўхшайди... Бугина эмас, Навоий ўзбек миллати учун — буюк ахлоқ намунаси. Ахлоқдаги ижобий қутб ростгўйлик, самимият, ҳаққониятда бўлса, салбий қутб иккиюзламачиликда — риёкорликдадирки, рамзий талқинда раъно гули бу икки қутбни гўё ўзида бирлаштиргандай: қизил юзлилик — бахтиёрлик ва элга ёққанлик рамзи бўлса, сариқ юзлилик — хижолат тимсолидир...

Хуллас, раъно гули мумтоз шеърятда, айниқса, Навоий шеърятинида юз хил оҳангда шеърят байтларига: маснавийга ҳам, лирикага ҳам кираверади. Чунки, «Хазойинул маоний»нинг «Фавойидул кибар» девонидан ўқиймиз:

*Коҳи юзумга бир гули  
раъно ғамида боқ,  
Қонларки томди — бир  
юзи ғулун, бири — сариғ.*

«Коҳи юз» — сомонранг чехра демакдир. Муаллиф мумтоз адабиётимизда минг йилдан буён қўлланилиб келадиган маъшуқа тимсолини гул истиорасида ифодалашга қўл урган. Бунда ихтиро йўлидан бориб, фақат гул сўзини ишлатмай, «бир гули раъно» деганки, бундаги аниқланган истиора кашшофлик намунасидан маъшуқа тимсолини кўз олдимишга келтириш осонроқ; балки у сап-сариқ ҳарир кўйлаги устидан қизил нимча кийиб олган гўзалдир. Айнан ана шу манзарани тўрт асрдан сўнг Зокиржон Фурқат ўзининг машҳур ғазали тимсолида жонлантирган:

*Заъфароний кўйлак  
узра аргувоний камзихур,  
Рўймол огушидин*

*пешонанинг аҳволи танг.*  
Энди Навоий байти мазмунини тасаввур этайлик: «Раъно гулидай бир гўзал муҳаббатига гирифтор бўлган юзимга боқ, кўзларимдан оқаётган қонларнинг бир юзи қизил, бир юзи сариқдир».

Ошиқ ёр муҳаббатиди шуначилик ўртанганки, юзи  
(Давоми. Боши 1-бетда).

сомон тусига кирган. Чунки, унинг ўртаниши раъно гулисимон маъшубаси туфайлидир. Маъшуба лоларанг юзли. Шунинг учун ошиқ кўзларидан оқаётган кўз ёшларининг бир юзи қизил...

Байтдаги ранглар таносуби маъшуқа тимсолининг зоҳирий ва ошиқ юзи-ю, қонли кўз ёшларини таъсирчанлиги билан тасвир этиш имконини яратган. Манзарани тасаввур этайлик:

Ошиқ кўзларидан сомонранг юзига қонли кўз ёшлари томчиламоқда: қон қизил, юз сариқ, демакки, усти қизил ва ости сариқ рангдадир.

Мазкур байт фазилатини биз бадиий санъатлар иштирокидан кўра, таъсирчан-


# БИР ГУЛИ РАЪНО

лигида кузатамиз. Негаки, байтда сомон ташбеҳи юзга нисбатан, гули раъно истиораси қиз вужудига нисбатан ва «бир» сўзи такрорларини кўрамиз, холос. Мисралар мазмунини эса, ошиқнинг жожеий руҳий ҳолатини аниқ тасаввур этиш имконини беради.

Навоий кўпинча ошиқ ва маъшуқа тимсолларини бир-бирдан кескин фарқ эттиради. Яъни ошиқни адоий тамом бўлган хаста ҳолида тасвирлаб, унинг юзи сомонранг, заъфароний эканлигини уқтирса, маъшубани лоларанг атиргул тимсолида қайд этади. Баъзан ана шу кескин фарқли ранглар ва уларнинг эгаларини висолда — учрашув онда гавдалантиради:

Энди уларнинг тимсолларини ёнма-ён бир кўзгуда — сув кўзгусида ҳам тасаввур этиш мумкин:

*Бўлса иккимизнинг  
юзи акси суда пайдо,  
Ул сув не тараф борса,  
очилғай гули раъно.*



Байт мазмуни: иккимизнинг аксимиз тушган сув қаерга борса, ўша ерда раъно гули очилади.

Чунки, сув ошиқ юзидан сарғиш рангини ва маъшуқа чехрасидан алвон тусни олиб борар экан, у кўкартирган гул — раъно гули бўлиб чиқади.

Алишер Навоий олтимиш йиллик ҳаёт тажрибасида минглаб яхши ва қисман шу номга муносиб одамларни кўрди: улар учун умрий фаолиятини, бутун бойликларини сарфлади. Ва суюкли банди сифатида ҳар бир инсонда Аллоҳ жамолини кўрди. Шунинг учун у ҳақли равишда ўз шеърларидан бирида: «Мен бутун умримни бошқаларни бахтиёр этишга сарфладим», — деган гапни айта олди:

*Ваҳки, умрум барча  
зоғ бўлди эл коми била!  
Бодаи ноб ўрнига  
хуноба ошоми била.*

Иккинчи мисрада қайд этганидек, ўзи қон ютди. Чунки одамлардаги таъмагир-

лик, иккиюзламачилик буюк Инсонни руҳан эзди. Шунинг учун у иккиюзламачиликни ўзига касб қилиб олиб, ҳаёт кечираётган ноқис одамларни раъно гулига қаранглар, деб огоҳлантирди:

*Икки юзлик бўлмаким,  
бу боғнинг раъно гули,  
Гар қизорур бир юзи,  
лекин яна бир сорғорур.*

Мазмуни: иккиюзламачи бўлма. Бу боғнинг раъно гулига боқ: бир юзи қизил, бир юзи сариқ. Яъни сен макр-ҳийла билан бир насага эришарсан-ку, сал ўтмай, сиринг фош бўлиб, хижолатда адоий тамом бўласан!

Демакки, алдовни ишлаган одамнинг фош бўлиши муқаррарлиги раъно гули эничалик қисқа ва яқиндир.

Теранроқ назар билан байт таркибига қаралса, шоир оламни боғ демоқда ва боғда яшашга муносиблик тақозосини уқтирмоқда ҳам.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,  
филология фанлари номзоди.

## Шоир ижодида меҳр ва мурувват

*Республика таълим марказида «Алишер Навоий ижодида меҳр ва мурувват ғоялари талқини» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.*

Семинарда таъкидландики, мустақиллик йилларида кўп асрлик қадриятлар, миллий анъаналар тикланди. Улар қаторига ҳар йили буюк аждодимиз таваллуд кунига бағишлаб ўтказиладиган Навоийхонлик ҳам киради. Ўзбек халқи асрлар давомида буюк шоир ҳурматини бажо келтириб келади. Айниқса, унинг бой маънавий меросини ўрганиш ишлари таҳсинга лойиқ.

Алишер Навоий мероси — улкан ва бебаҳо. Узоқ йиллардан бери республика ўқув муассасаларида Навоийхонлик кунлари ўтказиш яхши анъанага айланган. Улар давомида мутафаккир ижодига бағишланган конференция, семинар ва давра суҳбатлари, шеърят кечалари ўтказилади. Шоирнинг ўлмас асарлари кўп асрлардан бери одамларни меҳр, инсонпарварлик ва мурувватга қақариб келмоқда.

ЎЗА.

## «Лисонут-Тайр» — ИНГЛИЗ ТИЛИДА

*Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» («Қуш тили») достони шоир таваллудининг 563 йиллиги арафасида Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида инглиз тилида босмадан чиқди.*

Асарни Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети таржимонлик факультети декани, филология фанлари номзоди Носир Қамбаров ва канадалик олим, Америкадаги «SAFE» хайрия ташкилотининг мамлакатимиздаги вакили Гару Дик инглиз тилига ўгирган.

ЎЗА.

## «Жаҳон» ахборот агентлиги хабар қилади

### Ҳинд заминидagi учрашувлар

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова бошчилигидаги делегация Ҳиндистонда бўлди.*

Ҳиндистон Республикаси парламентининг юқори палатаси — Ражя Сабха раиси ўринбосари Н. Хептулла хоним билан бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва уларнинг самараси хусусида сўз кетди. Бунда, айниқса, Олий Мажлисининг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти, инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича сайё-ҳаракатлар, оналик ва болалик муҳофазаси билан боғлиқ масалаларга алоҳида аҳамият берилди. Н. Хептулла хоним азалий дўст мамлакат — Ўзбекистон билан дўстона муносабатларни ривожлантириш, жумладан, парламентаро алоқалар қўламини кенгайтиришдан Ҳиндистон манфаатдор эканлигини таъкидлади.

### Вилоятлар даражасидаги ҳамкорлик

*Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги (ЎТИАА) вилоят бўлинмалари раҳбарларининг Австрияга бир ҳафталик ташрифи ниҳоясига етди. Мазкур сафар Австрия иқтисод ва меҳнат федерал вазирлиги билан ЎТИАА ҳамкорлиги ва Ўзбекистоннинг Венадаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.*

Австриялик ишбилармонларнинг яқинда Ўзбекистонга қилган сафарининг мантикий давоми бўлган ушбу ташриф доирасида мамлакатимиз вакиллари Австриянинг иқтисодий тизими, мамлакатда тадбиркорлик, экспорт ривожига ҳамда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш сиёсати билан яқиндан танишди.

Озиқ-овқат ва электротехника

саноати, қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш, энергетика ва бошқа тармоқларда фаолият юритувчи қатор корхоналар вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида қўшма корхоналар тузиш, ўзбек маҳсулотлари экспортини кенгайтириш, мамлакатимиз саноат тармоқларига Австриянинг илғор технологияларини жорий этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

### Мисрда Ўзбекистонга эътибор

*Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев бошчилигидаги ҳайъат Миср Араб Республикасида бўлди.*

Миср маданият вазири Форик Абдулазиз Хусний билан мулоқот чоғида маданият соҳасидаги ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш, хусусан, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Миср маданият ишлари вазирлиги ўртасидаги бевосита алоқаларни мустақамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Учрашув якунида мамлакатларимизда турли мавзуларда кўргазмалар ташкил этишни йўлга қўйишга келишиб олинди. Мисрда «Темурийлар даври санъати» ва Ўзбекистонда «Фиръавнлар хазинаси» номли кўргазмаларнинг намоиш қилиниши бу борадаги ҳамкорликда биринчи қадам бўлади.

«Чинос тўқимачи» фабрикаси ишга тушган биринчи кунлардан бошлаб жамоанинг раҳбарликнинг асосий эътибори шунга қаратилгани ҳам бежиз эмас. Шунинг учун бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот халқаро миқёсда жуда харидорғир бўлмоқда. Жамоа қўлидан чиқаётган калава, трикотаж

бўлган бутун чора-тадбирларни кўрамиз, имкониятларни ишга соламиз. Корхонамиз шаъни бутун Ўзбекистон шаъни эканлигини яхши тушунамиз, республикамиз енгил саноатининг бу соҳасида илғор бўлган фабрикамиз жамоаси ўз мавқеини халқаро, шу билан бирга ички бозорда ҳам доим мустаҳкамланиб бориши йўлида изланишларни

давом эттиради.

Фабрика жамоаси ўз маҳсулоти сифатининг юксак бўлиши учун мавжуд имкониятлардан ишнинг қўзини билиб фойдаланаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Аввало, шуни айтиш керакки, корхона тўқимачилик соҳасида фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган, қўлланилаётган технология, ишлатилаётган асбоб-ускуналар

ҳам ўта замонавийлиги билан ажралиб туради. Ишлаб чиқариш маданияти жуда юқори. Бу корхона эгаллаб турган ҳудудга қадам босишингиз билан яққол кўзга ташланади.

Ишлаб чиқариш бинолари ичидаги саранжом-саришталик дилни равшан қилади. Ишчи-хизматчилар бир хил коржомада, уларнинг ҳар бирида қайси касбга эгаллигини

билдирувчи белги бор.

Пахта хом ашёси дастлаб юмшатиш-титиш агрегатидан ўтказилади. Бу жараёнда у турли чиқиндилардан ҳам тозаланади. Шундан кейин тароклаш, хом ип тайёрлайдиган, йигириш, ғалтак ўрайдиган ва бошқа шу каби ягона занжирни ташкил этувчи дастгоҳлардан ўтиб, охирида калава ва трикотаж матосига айланади. Тайёр маҳсулотларни ўрашда Европа стандартлари талабларига амал қилинади. Фабрика цехларида меҳнат жараёни уч сменада давом этади. Ишчи-хизматчилар сони 610 кишидан иборат. Бу ишларнинг ҳаммасини маҳаллий ёшлар амалга оширмоқдалар. Улар дастлабки вақтларда Туркиядан ёрдамга келган мутахассислар кузатувида ишлашди. Ёшлар танлаган касб сир-асрорларини, ўрнатилган машина-механизмларни бошқаришни пухта эгаллаб олгач, ўзлари мустақил ишлашга ўтдилар. Мураккаб дастгоҳларни ҳам моҳирлик билан бошқаряптилар. Йигирувчи Дилбар Убайдуллаева, пиликловчилар Хосият Обидова, Шарофат Турсунова, механик Иззатилла Хўжаназаров, операторлардан Дилноза Ёқубова, Гулбаҳор Исломова, Наргиз Бектурганова, катта уста Ботир Ўрозов, уста Денис Деревянко... Бугун бундай илғорлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажармоқдалар.

Республикамиз енгил саноатининг илғор ва етакчи ишлаб чиқаришларидан бири бўлиб қолган бу қўшма корхона мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган бўлса-да, ўз мавқеи ва ўрнини топиб олиш билан бирга маҳсулот ҳажмини муттасил кўпайтириб боришга эришмоқда. Чунончи, 2001 йили бу ерда 1 миллион 714 минг 81 АҚШ доллари миқдорида маҳсулот четга юборилган, 2002 йилда экспорт ҳажми 9 миллион 990 минг 597 АҚШ долларини ташкил этди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 10 миллион 182 минг 745 АҚШ долларига тенг бўлди. Тўқимачилар ишлаб чиқараётган турли туркумдаги калава иппнинг ва трикотаж матоларининг хорижий буюртмачилари сони ортиб бормоқда. Жум-

ладан, унинг маҳсулотлари АҚШ, Канада, Бельгия, Италия, Франция, Португалия, Греция, Туркия, Россия, Хитой ва бошқа давлатлардаги мижозларга кўплаб жўнатиляпти. Жорий йилда корхона маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан яна қатор хорижий фирмалар билан шартномалар тузилди.

Корхона маҳсулоти-га ички бозорда ҳам талаб катта. Унинг таъсисчиларидан бўлган «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ва Туркиянинг «Бурсел» фирмаси фақат ишлаб чиқарилаётган калавалар ва трикотаж матосини экспорт қилиш билан чекланмай, улардан тайёр кийим-кечаклар тикиш ҳамда ички ва ташқи бозорга чиқаришни режалаштиришди. Шундай лойиҳа Чирчиқ шаҳрида рўёбга чиқариляпти. Бу ерда «Бурсел-Тошкент-Тўқимачи» қўшма корхонаси барпо этилмоқда. Янги корхона 2004 йилда ишга туширилади.

Ишлаб чиқариш ҳажми ва даромадларни ошириб бораётган корхона жамоасини ижтимоий муҳофаза қилиш билан бирга турли хайрия тadbирларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Тўқимачиларнинг иш ҳақи кўпайтириляпти, уларга хизмат кўрсатувчи муассасалар кенгаймоқда. Тиббиёт пунктида беш нафар шифокор ва ҳамширалар тўқимачилар саломатлигини доим назорат қилиб туради. Ҳар бир ишчи бепул овқатлантирилади. Бунинг учун ҳар бир тўқимачига ойига 15 минг сўмдан сарфланади. Тумандаги қатор ночор oilалар жамоага бириктириб қўйилган. Улардан хабар олиб турилади. Стадион, теннис корти ва бошқа шу каби иншоотлар спорт ихлосмандлари ихтиёрида. Биргина болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 10 миллион сўм ўтказилди.

Халқаро сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқини қўлга киритган «Чинос тўқимачи» қўшма корхонаси жамоасига бундан катта муваффақиятлар ёр бўлишига тилакдошмиз.

Улутбек ЮСУПОВ.

**СУРАТЛАРДА:** (юқоридан пастга) ип йигирув цехининг оператори Дилноза Ёқубова; сифатни назорат қилиш лабораторияси ходимларидан Дилора Хўжаева ва Зарема Асановалар; тўқув цехи ишчиси Лилия Ярулина.

Еркебой БОТИРОВ олган сураатлар.

# ХАЛҚАРО СИФАТ БЕЛГИСИ

## — «ЧИНОЗ ТЎҚИМАЧИ»ДА

Бу қўшма корхона маҳсулотлари мамлакатимиз енгил саноати тарихида биринчи марта шундай юксак баҳога сазовор бўлди

матонинг ҳаммаси қатор чет эл мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Хорижга жўнатилган маҳсулотлар сифатига бирон марта ҳам эътироз олингани йўқ. Бу корхона маркасининг халқаро майдонда нуфузи муттасил ортиб бораётганлиги, ўзаро рақобатнинг катта бозорида мустаҳкам одим ташлаётганидан дарак беради.

Ана шу ҳаракатларнинг маҳсули сифатида тўқимачилар ўтган йил охирида қалбларни қувончга тўлдирувчи ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Корхона Халқаро ISO-9001-2000 сифат бошқаруви тизимининг сертификатини қўлга киритди. Бундай натижага «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тарихида биринчи бўлиб эришилгани ҳам диққатга сазовор.

— Бундай халқаро сифат сертификати умрбодга берилмайди, — дейди биз билан суҳбатда қўшма корхона бош директори ўринбосари Мавлуда Боймирзаева. — Ундан муайян муддат давомида — 2003 йилнинг 30 декабридан то 2006 йилнинг 30 декабригача, яъни уч йил фойдаланишимиз мумкин. Шу даврда унга қандай амал қилинаётганлиги халқаро ташкилот томонидан вақти-вақти билан текшириб турилади. Маҳсулот сифати бўйича четга оғишлар бўлса сертификат бекор қилиниши мумкин. Биз катта ишончни тўла оқлаш мақсадида зарур

(Давоми. Боши 1-бетда).



## Тошкент вилояти Оҳангарон, Келес шаҳарлари, Красногорск шаҳарчаси ҳамда Қибрай, Юқоричирчиқ, Паркент, Зангиота туманлари корхона, ташкилот раҳбарлари ва аҳоли ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти «Иссиқлик манбаи» ИЧБ маълум қилади, Тошкент вилояти Молия бошқармаси томонидан 2004 йил 31 январда тасдиқланган ТВ-8-2002/2 реестрига асосан 2004 йил 15 февралда иссиқ сув ва иссиқлик энергиясига қуйидаги чегараланган янги эркин нархлар ўрнатилди:

- корхона ва ташкилотлар учун улгуржи нарх – **8942 сўм ККС-сиз 1 Гкал;**
- марказий иситиш – **127 сўм 1 квадрат метр яшаш майдонидан;**
- иссиқ сув таъминоти – **1191 сўм 1 одамдан ойига;**
- ўлчов асбоблари мавжудлигида – **143 сўм.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик судларининг қарорларига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб ноқонуний равишда, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган авто-мототранспорт воситаларининг кимошди савдосини ўтказиш ҳақида

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. «ГАЗ-24» автомобили, давлат рақами 30 С 9194, техник носоз, **бошланғич нархи – 180 000 сўм.**
2. «ГАЗ-2417» автомобили, давлат рақами 30 Q 0392, техник носоз, **бошланғич нархи – 200 000 сўм.**
3. «ГАЗ-2411» автомобили, давлат рақами 10 Q 3435, техник носоз, **бошланғич нархи – 200 000 сўм.**
4. «МУРАВЕЙ» мотоцикли, **бошланғич нархи – 80 000 сўм.**

Кимошди савдоси 2004 йил 13, 20, 27 февраль кунлари соат 11.00да судлар департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлимида Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қаватда ўтказилади.

Кимошди савдосида қатнашадиган корхоналар, фуқаролар бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида тўлов тўлаб қатнашишлари мумкин.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш Тошкент туман ЖИБ судининг биносидан ҳар куни соат 9.00дан 18.00га қадар давом этади.

**Манзил:** Тошкент тумани, К. Фафуров кўчаси, 10-уй, 1-қават, 5-хона.  
**Маълумот учун телефонлар:** 152-73-43, 53-08-78, 8-296-53-718.

## Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган автомототранспорт воситаларининг кимошди савдосини ўтказиш:

